

5. Рафиқов А. Геоэкологик муаммолар. Тошкент, Ўқитувчи, 1997.

6. Чуб В.Е. Иқлим ўзгариши ва унинг Ўзбекистон Республикаси табиий-ресурс потенциалига таъсири. Тошкент, 2000.

ГЕОДЕЗИСТЛАР-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ТАРБИЯЛАНМОҚДА

Рўзиқулова О.Ш. – доцент, ТИҚХММИ Миллий тадқиқот университети,

Сатторова З.Н. - география ўқитувчи, Пскент туманидаги 22-мактаб,

Ғоипова Н.Х. - география ўқитувчи, Пскент туманидаги 23-мактаб.

Аннотация. Олий таълим ва мактаблар ҳамкорлиги давом эттирилмоқда. Чекка ҳудудларни ривожлантириш, уларни услубий кўлланмалар билан таъминлаш муҳимдир. Мактаб ўқитувчиларини илмий-педагогик соҳага йўналтириш-дарслар сифатини ошишига хизмат қилади. Янгиланаётган Ўзбекистонда кадрлар таёрлашга қаратилаётган эътибор ва олий таълим муассасалари (ОТМ)га ўсиб келаётган ёш авлодни қамраб олиш борасида ҳозирги кунда амалга оширилаётган ишларга бағишланган.

Калит сўзлар: геодезия, рақамли карталар, картография, педагогика

Олий таълим муассасалари ва мактаблар ҳамкорлиги 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб, янги босқичга кўтарилди. Бунди чекка ҳудудларда ўқиётган ва ўсиб келаётган ёш авлодни қамраб олгани билан ажралиб туради.

Мактаб - ўқитувчи раҳбарлигида ёш авлодга дунёқарашини ўстирадиган, билимлардан маълумот бериладиган ва тарбиявий ишлар олиб бориладиган ўқув-тарбия муассасаси ҳисобланади. Ўқувчилар мактабда таълим ва тарбия олар эканлар, катта ҳаётда ўз ўринларини топишга тайёрланадилар. Ҳаёт инсонларга бир марта берилар экан, албатта, барчамиз яхши яшашга ва бахтли ҳаёт кечиришга интиламиз. Мактаб ва ОТМ ҳамкорлиги айнан шу олий мақсаднинг рўёбига қаратилганлиги билан муҳимдир.

Янги тузум мактабини асосчиси Абдулла Авлоний география фанини ўқитилишига алоҳида урғу берган. У 1878 йилнинг 12 июлида Тошкентнинг Мерганча маҳалласида тўқувчи Миравлон ака оиласида дунёга келди. Отаси Миравлон камбағал киши бўлган, шу сабабли Авлоний ёшлигидан ишлаб, пул топишни бошлаган. Уни “Имаратги уста” деб номлашган. Бу ҳақда у ўз таржимаи ҳолида шундай ёзади: 12 ёшимда Ўқчи маҳалласидаги мадрасада таҳсил олганман, 13 ёшимда пул топиб, оиламга ёрдам берганман, қишда эса

ўқиганман, деб ёзади. 15 ёшидан Абдулла Авлонийнинг шеърлари ёзма манбаларда чоп этила бошлаган. 1904 йил Авлоний жадидлар бошқарувчиларидан бири бўлган ва жадидчилик мактабини очган, 1909 йил “Жамияти хайрия” ташкилотини яратади. 1905-1917 йиллар ўз нашрлари билан босма манбаларда фаол қатнашади, “Ўзгариш уруғлари”ни эка бошлайди.

1907 йил Авлоний “Шухрат” газетасини очади. Ўқишдан сўнг педагогика билан шуғулланади, янги ўқув тизимига асос солади ва Шарқ ҳамда Ғарб тилларини ўқитиш таклифини беради.

Авлоний биринчи бўлиб *жўгрофия*, кимё, астрономия ва физика фанларини *Туркистон мактабида ўқитиш таклифини беради, у дарслар орасида танаффусларни, ўқувчилар бир синфдан иккинчисига ўтиши орасида имтиҳон топшириш тизимини йўлга қўяди*. Шундай қилиб, Туркистондаги таълим тизимини янги босқичга кўтаради [2].

Ўзбекистонда мактаблар ассан, давлат мулки бўлиб, унда ўқиш бепулдир. Ўзбекистон мактабларида таълим ўқувчиларнинг она тилида, айрим ихтисослашган мактабларда эса, рус ва инглиз тилларида олиб борилади. Болалар мактабгача, мактабларда ва мактабдан кейинги босқичларда ўқишларини давом эттирадилар.

Мактабларда турли малакали педагог кадрлар дарс берадилар. Маълумки, педагогика (юн.) -тарбия, таълим ҳамда маълумот беришнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганувчи фанлар мажмуасидир. Педагогика фан сифатида бола тарбиясининг назарий асослари билан шуғулланади [2].

Мактабларда дунёқараш, эътиқод, эзгулик, гўзаллик, яхшилик, адолатга доир қараш ва кўникмалар шаклланади. Инсонлар фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштиришга қаратилган фаолият ўқитиш тушунчасини ифода этади. Ўқиш инсонда шахсий зарурурий билимлар билан таъминланиб, келгусида етук шахс бўлиб, камол топишида кўл келади.

Педагог-бола етакловчи экан, албатта уларни ёрқин келажак сари етаклаши даркордир. ТИҚХММИ-миллий тадқиқот университетини собиқ ректори Ў.Умрзаковни Халқ сўзи газетасидаги “Билимга асосланган жамиятни куриш йўлида” Ўзбекистон ташлаётган дадил қадамлар, номли илмий мақоласида шу мавзудаги фикрлар ва тавсиялар ўрин олган. ОТМларида олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислохотар баён этилган. Мақолада, Хитой давлатчилиги асосчиларидан бири, таниқли мутафаккир ва файласуф Конфуций 25 аср олдин айтган ҳикмат келтириб ўтилган бўлиб, бугун ҳам ўз долзарблигини асло йўқотмаган. Балки, кадри тобора ошиб борапти: *“Агар сен*

халқингни бир йил боқмоқчи бўлсанг, бурдой эк, ўн йил боқмоқчи бўлсанг, дарахт эк, агар асрлар давомида боқмоқчи бўлсанг, билим, илм эк” [1]. Дарҳақиқат, жуда сермаъно ва пурмаъно фикрлар. ОТМ ва мактаблар ҳамкорлигини узоқ муддатли Конфуций фикрларини амалдаги кўриниши дейиш мумкин.

Ер ресурслари инсониятни едирадиган, кийинтирадиган, бошпана берадиган умуммиллий бойлигимиз ҳисобланади. Факультет Ер ресурслари ва кадастр тизимини йўлга қўйишга қаратилган. Факультетдаги “Геодезия ва геоинформатика”, “Ерни масофадан зондлашда инновацион технологиялар”, “Ер тузиш”, “Давлат кадастрлари”, “Ер тузиш ва ер кадастри” профессионал таълим каби йўналишларга талабалikka қабул жараёнига 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб, география фанини киритилиши ОТМ ва УЎТ мактабларида география ўқитувчилари ҳамкорлигини тақозо қилмоқда. География фанлари ерни тасвирлашга ихтисослашган бўлиб, Ер ресурслари ва кадастр факультетида мактаблардаги географик билимлар асос бўлиб хизмат қилади. Ерининг хосса ва хусусиятларини, ердаги қонуниятларни ўргангач, албатта бошқариш ҳақида фикр юритиш мумкин бўлади [3]. (Аммо 2023 йилга келиб, юқоридаги йўналишларни айримларидан география фанидан тест имтиҳонлари бекор қилинди). Шу мақсадда миллий-тадқиқот университети ва Пскент тумани халқ таълими бўлими ходимлари томонидан “Умумтаълим мактабларида таълим сифатини оширишга қаратилган ЙЎЛ ХАРИТА” имзоланган. Унга кўра, режа асосида давомли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан Пскент туманидаги 22-23-мактаблар билан ҳам ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Геодезия ва геоинформатика кафедрасидан доц.О.Рўзикулова, доц. И.Мусаев ва катта ўқитувчи Р.Абдирамановлар жорий йилни апрел ойида мактабларда бўлиб, ҳамкорликдаги ишларни амалга оширдилар. Доц. О.Рўзикуловага 22-мактаб география ўқитувчиси Сатторова Зулхумор Нуриддиновна ҳамда 23-мактаб география ўқитувчиси Ғоипова Наргиза Холматова билан биргаликда устоз-шогирд тизими асосида бириктирилган. Ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон табиий географияси фанини ўқитишда услубий кўрсатма таёрланди ва бу фанни ўқитишда фойдаланилмоқда. Географиядан апрелда фан ойлиги ўтказилди ва кафедра устозлари қатнашдилар. “Қизиқарли география”га доир сахна кўринишлари, халқларни урф-одатлари, анъаналарига доир чиқишлар таёрланди. Геодезия ва геоинформатика кафедрасини барча устозлари, жумладан доц. И.Мусаев, О.Рўзикулова, С.Хикматуллаевлар мавжуд факультетлар, кафедралар ва йўналишлар бўйича батафсил маъумотлар бердилар. Мактабни моддий-

техника базасини бойитиш мақсадида 1:50 000 000 масштабда Ер шарини модели бўлган Глобус ўқувчиларга кафедра номидан совға қилинди.

Ҳар ойда кафедра профессор-ўқитувчилари 22-23-мактабларда бўлиб, касбга йўналтирилган ҳамда “Қизиқарли география”, “Беруний глобуси”, “Топонимика-ер тили”, “Ўзбекистон орографияси” мавзуларида маҳорат дарслари олиб бордилар. Маҳорат дарсларида кафедранинг устоз мураббийлари доц. И.Мусаев ҳам қатнашиб, ўзлари босиб ўтган намунали ҳаёт йўллариини ёш авлодга гапириб бердилар.

Дарс бошланишида доц. О.Рўзиқулова 2023 йил номини ўқувчиларда сўради. Улар бир овоздар “*Инсонга эътибор ва сифатли таълим*” йили деб жавоб бердилар. Сўнгра сизлар қайси касб эгаси бўласиз?- деган саволга ўқувчилар: шифокор, устоз, қурувчи, уста, хунарманд каби жавобларни бердилар. Сўнгра, касб танлашда ўқувчини қобилияти ва қизиқиши асосий ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Бизнинг ҳар биримиз кучли иқтидор ва салоҳият эгасимиз. Қайси соҳага қобилиятли эканлигимизни аниқлаш эса, масала. Бунинг ечими, устозлар, шогирдлар ва ота-она ҳамкорлигида рўёбга чиқиши шубҳасиз. Бу йилни номида ҳам сифатли таълимга эътибор давлат миқёсида сиёсат даражасига кўтарилган экан, келажагимиз бўлган ёшларга таълим сифатини оширишга қаратилган. Мақсадни аниқ қилиб, мақсад сари дадил ҳаракат қилиш лозимлиги бўйича маслаҳатлар берилди. Жумладан доц. О.Рўзиқулова география фанидан Фан олимпиадалари Республика босқичида 1992 йил 1-ўрин олгани ва имтиёзли ОТМга қабул қилингани ҳақидаги ҳаётий таассуротлари билан ўртоқлашди.

Дарс давомида кафедра устозлари томонидан ўқувчилар орасида қизиқарли савол-жавоблар ўтказилди.

Ғолиб ўқувчиларга карта ва атласлар совға қилинди. Юқори синф ўқувчиларини касбга йўналтириш мақсадида институтимизда мавжуд бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари тўғрисида маълумотлар берилди (расмларга қаранг).



Пскент туманидаги 22-мактабдаги табирлардан лавҳалар



Пскент туманидаги 23-мактабдаги табирлардан лавҳалар

Ўқувчиларда Тошкент рельефли-ландшафтли глобуси катта таассурот қолдирди. Бу бўйича, “Беруний глобусини тиклаш” мавзусидаги маҳорат дарсларида Рельефли-ландшафтли Тошкент глобуси ҳақида айтиб ва фотосуратлари ҳамда видеоёзувлари кўрсатиб ўтилди. “Ўзбек Магеллани” номини олган, География фанлари доктори профессор Ҳ.Ҳасанов томонидан яратилган ва Ўзбекистонга келтирилган бу глобус том маънода – билимлар хазинаси бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ернинг модели ёрдамида, ердаги қонуниятлар, йил фасллари алмашилиши, масофа ва майдон ўлчашларни амалга ошириш, турли географик кенгликлардаги табиий шароит кабиларни аниқлаш имкони бор. Бу глобусни Россияни Перм шаҳридаги ўқув-лабораториялари жиҳозлари яшаш лабораториясида яратилишига сабаб, Ҳ.Ҳасановда Беруний глобусини тиклаш ғояси эди. Мазкур улкан глобус бошқа доимий ишлатилиб келинаётган глобуслардан фарқи-2 та масштабни: горизонтал-нуқтадан иккинчи нуқтагача бўлган жойни ўлчашда, ҳамда вертикал-нуқтанинг қанчалик сатҳий сиртдан баландлигини ёки пастлигини аниқлашга хизмат қилади. Дарс сўнгида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.

Ассистент ўқитувчи С.Хикматуллаев география фанидан синфлараро қизиқарли беллашувлар ташкил этишни ва мусобақага ҳакам сифатида қатнашиш таклифини киритди. Ўқувчилар томонидан бу таклиф хурсандчилик билан кутиб олинди.

География ўқитувчилари 22-мактабдан Сатторова Зулҳумор Нуриддиновна ҳамда 23-мактабдан Ғоипова Наргиза Холматоваларга болалар билан ишлашда педагогик технологиялар бўйича маслаҳатлар ва услубий кўрсатмалар берилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш ўринлики, Ёш геодезистлар ҳозирги кунда мактабларда ўсиб-улғаймоқда. Уларни тарбиялаб, ОТМга жалб қилиш, умуман геодезия соҳасидаги иқтидорли кадрларни кашф қилиш борасида тизимли ишлар режа асосида давом эттирилади. Геодезия ва Ер кадастри соҳаси умидли ёшлар билан кенгайтириши ва ривожланиши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. www. Википедия

2. Умурзаков Ў.П. Билимга асосланган жамиятни шакллантириш йўлида Ўзбекистон ташлаётган дадил қадамлар. Халқ сўзи газетаси, 2020 йил, 24-июл.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси 4-7 жилдлари. -Т: 2004.
4. Никадамбаева Ҳ.Б., Рўзикулова О.Ш. Регионал география фанидан талабаларнинг мустақил иш топшириқларини тайёрлашда “Кузатиш, баҳслашиш, ишонтириш” стратегиясидан фойдаланиш методикаси. Агроиқтисодиёт. Махсус сон. –Т.:, 2020 й. –Б. 168-172.

ДЎЗА ҚАТОР ОРАЛИҚЛАРИГА ТУРЛИ КУЛЬТИВАТОРЛАРДА ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ТУПРОҚ АГРОФИЗИКАСИГА ТАЪСИРИ

Саломов Ш.Т. - к.х.ф.д., ТИҚХММИ МТУ, **Муҳаммадов Й.А.** - таянч доктарант, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (ПСУЕАИТИ)

Аннотация. Мазкур мақолада турли қатор оралиқларида ғўза парваришлашда ҳамда қатор оралиқларига ишлаб чиқаришда қабул қилинган КХУ-4Б ва фрезерли культиваторларда ишлов беришнинг тупроқ ҳажм оғирлиги ҳамда ғоваклигига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

Бугунги кунда Республикамизда ғўза қатор оралиқларига ишлов беришда янги инновацион технологиялар қўлланилмоқда. Бунда қатор оралиқларига сифатли ишлов бериш ҳамда озуқалардан фойдаланиш коэффицентини оширишга эришилмоқда. Маълумки тупроқда мақбул намлик, ҳаво, иссиқлик ва озуқа режими яратилганда ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши жадаллашади.

Тупроқнинг ҳажм массаси ва ғоваклиги ўсимликнинг ўсиб-ривожланишига, пахта ҳосилдорлиги ҳамда сифатига таъсир этувчи омиллардан бўлиб, ўсимлик илдизлари учун сув, ҳаво, микробиологик жараёнлар ва озуқа элементлари миқдорини ва нисбатини ўзгартириб туриши адабиётлардан маълум.

М.Тошболтаев, А.Қорахонов, А.Ибрагимовларнинг олиб борган илмий изланишларида ғўза парваришлашда культивация тадбирини ўтказиш натижасида ғўза илдиз тизими яхши ривожланиши, озиқланиши жадаллашгани, қатор ораларини тез-тез юмшатилиши тупроқдаги ҳаво алмашинуви яхшиланиб, ҳосил ривожини учун қулай микроиқлимни вужудга келтирилганлиги айтиб ўтилган [62; 6-б].